# Боғни боқсанг...

**_Мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган республикамизда боғдорчиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарори асосида шу соҳага ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил қилинмоқда. Боғдорчиликда ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун зараркунандалар ва касалликларга қарши самарали курашиш муҳим аҳамиятга эга._**

Бу иш илмий асосланган ҳолда олиб борилмаса, йўқотилган ҳосил микдори ўнлаб миллион сўмни ташкил қилиши мумкин. Мевали боғларда олма қурти, қалқондор, шира, кана сингари зараркунандалар, калмараз, ун шудринг, қора рак, бактериал рак, қўнғир доғланиш, мева чириш касалликлари учрайди.

Олма қурти, асосан, шу мевага, баъзан ўрик, олхўри, нокка зарар келтиради. Унинг қурти дарахтлар ёриғида, тўкилган барглар тагида, яқин жойдаги иншоотлар ва тупроқ остида қишлайди. Қалқондорнинг калифорния ва сиёҳранг турлари кўпроқ зарар келтиради. Улар билан зарарланган дов-дарахтларнинг ўсиши секинлашади, баъзан қуриб қолади, ҳосил сифати пасаяди. Қалқондорнинг урғочиси оталанган ҳолда дарахтлар танасида ва ёруғ жойларда қишлайди.

**_Мутахассис минбари_**

Мевали боғларга зарар келтирувчи шираларнинг тури хилма-хил. Яшил олма ва қизил қон шираси энг кўп зиён етказади. Яшил олма шираси олма, нок, беҳи ва бошқа ўсимликларни зарарлайди. Ҳашаротнинг тухуми ёш новдаларда қишлаб қолади.

Қизил қон шираси фақат олмага зарар келтиради. Ҳашаротнинг 1-2 ёшдаги личинкалари, асосан, дарахт илдизи ва пўстлоқ остида қишлайди. Новдаларнинг зарарланган қисмларида бўғимсимон шишлар ҳосил бўлади. Кейинчалик бу шишлар ёрилиб, яра ҳосил қилади ва новданинг, баъзан дарахтнинг ҳам нобуд бўлишига олиб келади.

Каналар олма, нок, олхўри каби мевали дарахтларга катта зарар етказади. Улар қуриган пўстлоқлар остида, тўкилган барглар тагида ва бошқа жойларда қишлайди. Мевали боғларга зараркунандалардан ташқари, касалликлар ҳам зарар келтиради. Олма, нок дарахтлари калмараз билан касалланганда, ҳосили камайиб, сифати пасайиб кетади. Барг ва мевалар зарарланишидан ташқари, шохлар, таналари ёрилиб, пўстлоқлари ажралиб тўкила бошлайди ва дарахтнинг қуришига олиб келади. Бу касаллик замбуруғлари дарахт танасида, тўкилган баргларида ва касалланган меваларда қишлайди.

Ун шудринг касаллигида ёш новдаларнинг ўсиши орқада қолади ва кам ҳосил беради. Кўчатзор ва дарахтлар зичлашиб қолганда бу касаллик, айниқса, хавфлидир. Касалликнинг замбуруғлари кейинги йили униб чиқувчи куртакларда қишлайди.

Қора рак билан касалланган дарахтларнинг мевасида, бутоқ ва таналарида дастлаб оч кулранг, кейинчалик қорамтир кул ранг доғлар пайдо бўлади. Олма дарахтининг доғлар ўраб олган бутоқлари ёки танаси қурийди. Бу касаллик замбуруғи касалланган ва қуриган новдаларда қишлаб чиқади.

Баргларда қўнғир рангли майда доғлар пайдо бўлиши ва аста-секин кенгайиши доғланиш касаллиги белгисидир. Меваларда ҳам қизил доғлар кўзга ташланади. Улар катталашиб, жигарранг тусга киради. Натижада, мева вазни камаяди ва сифати бузилади. Бу касаллик (замбуруғи) тўкилган баргларда қишлаб чиқади.

Ана шу зараркунанда ва касалликларга қарши ҳозир қуйидаги чораларни кўриш зарур:

- зараркунанда ва касалликлар билан зарарланган дарахтлар, қуриган шохларни кесиш, боғни эски пўстлоқлар, чириган мевалар, қуриган барглардан, қўйилган "тиргагич"лардан тозалаш керак;
- кесилган шохларни боғда қолдирмаслик, улар четга олиб чиқилиб, ёқиб юборилиши шарт;
- янги ташкил қилинаётган боғларга бир хил навлар экилиши керак. Чунки бу дарахтлар ҳосили бир вақтда пишиб етилади. Агар турли хил навлар бўлса, бундай боғларда зараркунанда ва касалликларга қарши чора-тадбирларни сифатли ўтказиш қийинлашади. Оқибатда эса ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлади;
- боғларда қатор ораларини чуқур қилиб ҳайдалса (30-35 сантиметр), қишлаб қоладиган ҳашарот ва касаллик замбуруғларининг маълум қисми нобуд бўлади. Боғ атрофини сифатли чопиш ҳам яхши самара беради;
- боғ қатор ораларини органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш дарахтларнинг яхши ўсишини таъминлаб, зараркунанда ва касалликларга чидамлилигини оширади;
- боғларни кузда дарахтлар баргини тўккандан кейин, эрта баҳорда дарахтлар куртак чиқармасдан олдин суғориш, чиллада яхоб суви бериш зарур;
- қишлаб қолган касалликларнинг микроорганизмларига қарши темир кукуни ва Бордо суюқлигини ишлатиш яхши натижа беради. Бу препаратларни дарахтлар баргини тўкиб бўлгандан кейин 3-5 фоизли эритма (темир кукунини минг литр сувга 30-40 килограмм, Бордо суюқлигини эса минг литр сувга 30-60 килограмм) ҳолида пуркаш тавсия этилади.

Юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар ўз вақтида бажарилса, боғлардан юқори ҳосил олишга замин яратилади.

**Р.ОЧИЛОВ,**
**Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**
**М.ТОИРОВ,**
**лаборатория мудири.**

ЧФ "AZIZAXON-TAOM" (код по ОКПО 20967394) Юнусабадского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 134-16-44.

ООО "YORQIN NON" (ИНН 205813928) извещает об уменшении Уставного фонда с 36,1 миллиона сум до 11,2 миллиона сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 191-37-75.

Утерянный дубликат гос.ордера № 01-02/3553 от 18.01.1993 г. права собственности на квартиру Киличов Уктам Норбекович, считать недействительным.

Опубликованном объявлении в газете "Кишлок хаёти" от 27 октября 2006 г. "об утерии свидетельство OR-B № 0117778, выданное в 2003 г. школой № 80 Юнусабадского района г.Ташкента на имя Нуритовой Фатимы Малимходжаевной, считать недействительным" в месте слово "свидетельство" следует читать "аттестат".

Утерянная круглая печать и угловой штамп ЧП "SRENS-GOLDEN TEN" М.Улугбекского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 04-01/6571 от 21.01.1993 г. права собственности на квартиру Адилов Нусратилла, считать недействительным.

ООО "NAVRO'ZI OLAM" Мирабадского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 50 000 000 сўм до 10 000 000 сўм.

Тошқент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан 2006 йили якка тартибдаги тадбиркор "Алимухамедов Даврон Назруллаевич" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

СП ООО "AEROSERVIS" (код по ОКПО 17920472) Сергелийского района г.Ташкента информирует о том, что в нашем объявлении опубликованном в газете "Туркистон" № 80 (14992) от 25.10.2006 г. в место суммы "439164,52 долларов США", следует читать сумму "407225,29 долларов США".

Утерянный патент, выданный Хамзинским хокимиятом г.Ташкента на имя Адыловой Наргизы Батыровной, считать недействительным.

Тегишли давлат патентлари ва гувоҳномаларига эга **"AVTOTRAK"®** илмий-ишлаб чиқариш маркази қуйидаги хизматларни таклиф этади:

**1** **_ЗИЛ—130,555.., ГАЗ—52,53.., САЗ.. автомобилларига ДИЗЕЛЛАР ЎРНАТАДИ ва назорат (ГАИ) идораларига керакли ҳужжатлар тақдим этади._**

**2** **Фермерларни, ММТП ва МТП мутахассисларини ҳамкорликка таклиф этамиз;**
**автомобилларга дизеллар ўрнатишни ўз жойларида ташкил этишга кўмаклашамиз.**

**3** **Д-243 (МТЗ), Д-144 (Т-28), А-01 ("Алтай"), "Камминз", "Авиа" _дизелларини капитал ремонт қиламиз, автомобилларга ўрнатамиз, эҳтиёт қисмлар сотамиз._**

Манзилимиз: Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА –, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21, 49, "Обл. ГАИ" бекати.

**Телефонлар: 159-48-00. Кечқурун 112-90-43.**

В соответствии Поставновлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг при Госкомимуществе Республики Узбекистан от 18 апреля 2005 г. № 1127-1 инвестор ДП "ELSUN INVEST" раскрывает информацию о намерени приобретения пакета акции.

Инвестор: ДП "ELSUN INVEST" имеющее юридический адрес г.Ташкент, ул.Устабаева, 7/9.

Эмитент: "Қўқон ёғ-мой" ОАЖ Ферганская обл. имеющее юридический адрес Ферганская обл. г.Коканд, ул.Уста-Бозор, 84.

Тип приобретаемых акций: простая именная безналичная.

Количество: 15493 штук.

Объем приобретаемых акций: 34,25 %.

**BELARUS®**

**МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ**

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

**МТЗ "Беларус" тракторлари**

мини техника ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.



KAMMAZ ARSENAL

Манзилимиз: Тошкент ш., Братислава кўч., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

UZAGROEXPO 2006

**2-чи ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН КЎРГАЗМА**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**

UzAgroExpo 2006

Асосий бўлимлар:

- Қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозлари
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш жиҳозлари
- Озиқ-овқат саноати жиҳозлари
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари транспортировкаси
- Тупроқ ва ўсимликларга кимёвий воситалар ва ўғитлаш орқали ишлов бериш
- Ўсимликшунослик, узумчилик, боғдорчилик
- Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик
- Қишлоқ хўжалик маъсулотларининг селекцион навлари
- Суғурта, лизинг ва молиялаштириш хизматлари

**14-16 Ноябрь 2006**

Ўзбекистон, Тошкент, Ўзэкспомарказ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЖИҲОЗЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

UzProdTechExpo 2006

Ташкилотчилар:

International Exhibition Group Uzbekistan
Tel.: (998-71) 138-5782, 138-5982
Tel./fax: (998-71) 138-5987, 138-5988
E-mail: Info@ieguzexpo.com
http://www.ieguzexpo.com

_Кўргазмага таклиф этамиз!_

Ташкилий кўмак: «Ўзэкспомарказ» ОАЖ МКК

# "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси



**2006 йилнинг 15-17 ноябрь кунлари компаниянинг кўргазма залида ярмарка савдоларининг ўтказилишини эълон қилади. Ярмарка савдоларида республикамизнинг кимё корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар (аммиакли селитрадан ташқари), дефолиантлар ва бошқа кимё маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмол молларининг савдоси ўтказилади.**



| | |
|---|---|
| "Электркимёсаноат" ОАЖ | карбамид, сульфат аммоний |
| "Аммофос" ОАЖ | аммофос, супрефос, АСФ (аммоний сульфат фосфат), ДВП |
| Фарғона кимёвий толалар заводи | полиакрилнитрил толаси, ацетат ипи |
| "Фарғонаазот" ОАЖ | карбамид, дефолиантлар |
| "Кўқонсуперфосфат" ОАЖ | суперфосфат, халқ истеъмол моллари |
| "Самарқандкимё" ОАЖ | НКФЎ (нитрокальций фосфатли ўғит), халқ истеъмол моллари |
| "Жиззахпластмасса" ОАЖ | полиэтилен плёнкалар пластмасса қувурлар, халқ истеъмол моллари |
| Навоий "Электркимёзаводи" ЁАЖ | кимёвий препаратлар, дефолиантлар |
| Фарғона фуран бирикмалари заводи | пахта целлюлозаси |
| "Навоийазот" ОАЖ | азот ва сирка кислотаси, халқ истеъмол моллари |
| "Резинотехника" ОАЖ | Резинотехник маҳсулотлар |













**Манзил: Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчаси, 38-уй. Телефонлар: 113-02-73, 113-02-74. Факс: 144-37-19.**

